

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 110 (10.163)

2004 ЙИЛ 10 ИЮНЬ

Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг темир йўл транспорти бўйича Кенгаши 38-мажлиси қатнашчиларига

Хурматли мажлис иштирокчилари!
Азиз меҳмонлар!

Сиз, темир йўл транспорти бўйича Кенгашнинг навбатдаги мажлиси қатнашчиларини Ўзбекистон замининда самимий табриклаган менга гоят катта мамнуният бахш этади.

Маълумки, Марказий Осиёда муҳим геостратегик ўрин эгаллаган бизнинг мамлакатимиз ҳудуди орқали қадим замонлардан Буюк Ипак йўли ўтган, бу ерда қўлдан-қўл савдо йўллари туташган ва бу жаҳон халқлари маданиятларининг жадал суръатларида бир-бирини ўзаро бой-итишига хизмат қилган. Бугунги кунда ҳам Шарҳдан Фарбога, Жанубдан Шимолга олиб борадиган транспорт магистраллари шу ерда кесишади.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда дунёда рўй бераётган сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар мавжуд магистраллардан оқилона фойдаланиш билан бир қаторда, йирик халқаро бозорларни туташтирадиган янги, самарали йўналишларни очиб ва ўзлаштиришни тақозо этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, давлатларимизнинг узок муддатли манфаатларига мос келадиган ҳамда табиий ва минерал-ҳомашё захираларининг бой манбаларидан кенг қўламада фойдаланиш имконини беради. Транспорт коммуникацияларини ривожлантириш иқтисодиётни жўшқин ва барқарор тараққий эттириш кафолати бўлиб хизмат қилади, халқларимиз ўртасида гуманитар соҳадаги ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим амин бўлади.

Темир йўл транспорти бўйича Кенгаш мажлиси муҳокамасига қўйилган масалалар айнан шу нуқтаи назардан долзарб ва ҳаётий аҳамиятга эга. Уларни муваффақиятли ҳал этиш темир йўл қатнови тизимини такомиллаштиришга катта ҳисса қўйишига шубҳа йўқ.

Мен Кенгашнинг Тошкент шаҳрида ўтаётган мазкур мажлиси давлатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ва интеграция жараёнларини чуқурлаштиришда муҳим омил бўлади, деб қатъий ишонаман.

Барчангизга муштаҳам соғлиқ ва мамлакатларимиз халқлари фаровонлиги йўлидаги фаолиятингизда муваффақиятлар ёр бўлишини тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг темир йўл транспорти бўйича Кенгаши 38-мажлиси очилди. Унда Латвия, Литва, Эстония, Болгария, Финляндия темир йўл маъмуриятлари вакиллари ҳам иштирок этмоқда.

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

Нуфузли халқаро орган анжуманини Тошкентда ўтказиш ҳақидаги қарор Ҳамдўстлик давлатлари иқтисодий ҳамкорлигида, Евроосиё мамлакатлари темир йўл идоралари алоқаларини муштаҳамлашда, жаҳон транспорт тармоғига янада интеграциялашув йўлида қўрилаётган самарали чора-тадбирларда Ўзбекистоннинг роли ортиб бораётганининг эътирофи бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг темир йўл транспорти бўйича Кенгаши 38-мажлиси қатнашчиларига табригини республика Бош вазири ўринбосари Р.Файзуллаев ўқиб эшиттирди.

Кенгашнинг бу галги мажлисида темир йўллар фаолияти, ҳаракат жадвали ва поездларни шакллантириш режаси, вагон оқимларини йўналтириш, ўзаро ҳисоб-китоблар тартиб ва қондаларини такомиллаштириш, юк вагонларини таъмирлашда янги технологияларни ҳаётга яши-

росеть-21» юқори тезликда маълумот узатиш тармоғини яратиш ва темир йўл транспорти ишининг бошқа жиҳатларига оид долзарб масалалар қўриб чиқилади.

Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг темир йўл транспорти бўйича Кенгаши МДХ ҳукуматлари раҳбарларининг 1992 йил 14 февралдаги битимига мувофиқ ташкил этилди ва унинг қароргоҳи Москва шаҳрида жойлашган. У давлатлараро даражада темир йўл транспорти ишини мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади. Кенгашнинг асосий вазифаларига темир йўллардан фойдаланиш, юк вагонлари ва контейнерлардан биргаликда фойдаланиш ва уларнинг техник ҳолатини таъминлаш масалаларини ҳал этиш, ташкил шартларини ишлаб чиқиш, поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ягона тариф сиёсатини олиб бориш, ўз фаолият доираси бўйича меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш қиради.

Давоми 2-бетда.

ХУМ саҳоси

Барча маъбулардан олган сўнгги хабарлар

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кеча Оқсаройда Россия Федерациясининг «Россия темир йўллари» оид акционерлик жамияти президенти Геннадий Фадеенни қабул қилди.** Учрашув чоғида икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий муносабатлар кўламини кенгайтиришда темирйўлчиларнинг ҳам ҳамкорлиги муҳим ўрин тутгани таъкидланди.
- **Андижон вилояти филлакорлари қабул пунктларига 2236 тонна «кумуш тола» етказиб берган ҳолда, пилла тайёрлаш бўйича йиллик шартнома-режани бажаришди.**
- **Эртага Республикамизда Хитой маданияти кунлари бошланади.** Шу муносабат билан Тошкентдаги Фотография уйда Хитой суратчи рассомлари асарларининг кўргазмаси очилади.
- **Андижонда Ўзбекистон Фанлар академияси ва Андижон Давлат университети ташаббуси билан «Буюк Ипак йўли ва Фарғона водийси» мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**
- **«Ўзбекистон — Ватаним» кўрик-танловининг Наманган вилоят босқичи ўтказилди.** Унта жанр бўйича уюштирилган танловда Норин ва Косонсий туманлари жамоалари голиб чиқди.
- **Чуст туманида ташкил этилган навбатдаги меҳнат ярмаркасида иш излаб келганларнинг 72 нафари муқим, 25 нафари мавсумий иш ўринларига эга бўлди.**

Жаҳонда

- **БМТ Хавфсизлик Кенгашининг йиғилишида АҚШ ва Буюк Британия томонидан таклиф этилаётган Ироққа доир янги резолюция яқдиллик билан қабул қилинди.**
- **Латвия парламенти мамлакат Конституциясига ўзгартириш киритишни қўриб чиқмоқда.** Ушбу ўзгартириш Латвиянинг Европа Иттифоқига аъзо бўлиш масаласи билан боғлиқ.
- **Шу йилнинг март ойида Мадрид шаҳрида амалга оширилган йирик террорчилик ҳаракатларининг ташкилотчиси сифатида гумон қилинаётган 32 ёшли Рабон Осман Сайёд Аҳмад Милан шаҳрида қўлга олинди.**
- **Канада шимолдаги Толстон дарёсига сувга қўшилган ҳаракат қилаётган самолёт-амфибия чўкиб кетди.** Натижада 2 киши ҳаётдан кўз юмди.
- **Катта Жорж Буш ўзининг 80 йиллиги кунинда парашютдан сакраниш режалаштирмоқда.** Ушбу воқеа шу ҳафтанинг дам олиш кунлари АҚШнинг собиқ Президенти Рональд Рейган дафн этилганидан сўнг амалга ошади.

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА

- **ШАҲРИМИЗДА** олий таълимни янада ривожлантиришнинг истискоболарига бағъшлаб уюштирилган илмий-амалий анжуманда пойтахтимиздаги олий ўқув юртли вакиллари билан бирга Россиядан келган профессор-ўқитувчилар ҳам иштирок эттишди.
- **ТОШКЕНТ** Давлат маданият институтига ўқитувчилар ҳамда талабалар иштирокида бўлиб ўтган тадбирда мазкур олий ўқув юртининг бакалаврият курсларини тугаллаган талабаларга диплом топширилди.
- **КЕЧА** Алишер Навоий номидаги Санъат саройида киножодкорлар томонидан яратилган «Қизилжарлик Эшмат» фильмининг тақдими бўлиб ўтди. Фарид Давлатшин режиссёрлигида яратилган ушбу кинокомедияда бош ролларни Валижон Шамшиев ҳамда Шоҳрахмон Обидовлар ижро этишган.
- **Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз**



АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ ҲАРАКАТДА

Июнь ойининг ўртасида Тошкентда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. ШХТнинг ушбу саммити ташкилот ҳаётидаги қатор муҳим саналарга тўғри келаяпти.

Биринчидан, ташкилотга асос солинганлигининг уч йиллик айёми нишонланади — 2001 йил 15 июнь кунини Қозғоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон раҳбарлари Шанхайда ШХТни ташкил этиш тўғрисидаги Декларацияни имзолаган эдилар. Тошкент саммити мамлакатимизнинг ШХТга йиллик раислик муддатига яқин ясади — мутахасссларнинг фикрича, шу вақт давомида ташкилот фаолиятининг жонлиши кузатилди. Ва ниҳоят, Тошкент саммити доирасида ШХТ Минтакавий аксилтеррор тузилмасининг (МАТТ) расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

Минтакавий аксилтеррор тузилмасининг фаолияти нимадан иборат бўлади — биз мазкур тузилма ижроия кўмитаси директори Вячеслав Косимовга шу савол билан мурожаат қилдик. — ШХТнинг Шанхайда бўлиб ўтган биринчи саммитида ташкилотнинг иккита ишчи органи — Котибият ва Минтакавий аксилтеррор тузилмасини ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Утган йили Москва саммитида Минтакавий аксилтеррор тузилмаси қароргоҳини Ўзбекистон пойтахтида очишга келишиб олинди. Қиска муддат ичида ушбу қарор ижросининг ҳуқуқий асослари яратилди ва махсус бино ажратилиб, у энг замонавий техника воситалари билан жиҳозланди. Утган йилнинг биринчи ноябрида тузилма техник қўриқдан ўтди ва шу йил январдан тўлақонли фаолият юрита бошлади.

— Вячеслав Темирович, Минтакавий аксилтеррор тузилмаси таркиби, унда фаолият кўрсатаётган ходимлар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Минтакавий аксилтеррор тузилмаси кенгаш ва ижроқўмдан ташкил топган. Кенгаш олти давлат махсус хизматлари раҳбарларининг вакиллари киритилган ва хозирга қадар унинг иккита йиғилиши бўлиб ўтди. Ижроқўм таркибида ўзаро тас-

Давоми 2-бетда.

Транспорт

**КУЛАЙЛИК
ЯРАТИШ
ЙЎЛИДА**

Пойтахтимизда аҳолига транспорт хизмати кўрсатишда фойдаланилаётган автобуслар орасида «Мерседес-Бенц» алоҳида ажралиб туради. Германияда ишлаб чиқарилган бу транспорт воситаси жуда қулайлиги билан йўловчиларга ёқиб қолди.

Бу йилги Наврўз байрами арафасида бундай замонавий автобуснинг навбатдаги уч юзичиси Тошкентга олиб келинди. «Даймлер-Крайслер» немис транспорт-саноат концернининг Тошкентдаги ваколатхонаси «Мерседес-Бенц» автобусларини олиб келишда фалоллик кўрсатмоқда. Ҳазор келишувга мувофиқ «Мерседес-Бенц Конекто 0345» русумдаги автобусларидан яна бир нечтаси олинади.

Янги шартнома лойиҳаси бўйича «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси саройлари шу йилнинг ўзида 500 та автобусга эга бўлади.

**УНУМЛИ
ФОЙДАЛА-
НИЛМОҚДА**

Тошкент метрополитенининг «Буюк Ипак йўли» бекати ҳам йўловчилар билан доим гағжум бўлади. Бу ерда ер ости транспортнинг бир маромда қатновини ташкил этиш учун электрон асбоб-ускуналардан унумли фойдаланилмоқда.

Алоқа ва сигналзация тармоқлари ҳам бир маромда ишлаб туради.

Бекат техник ходимлари изланиши билан «Йўлларни назорат қилиш журнали» тузилди. Бу эса алоқа ва контакт тармоғидан унумли фойдаланиш учун катта қулайлик туғдирди.

Бекат кассаси орқали кўнига ўртанча 25 мингта жетонни тарқатишга эришилмоқда. Бу эса хизмат хақи тушумининг кутилган миқдорда бўлишини таъминламоқда.

**АВТОБУСЛАРДА
САЁҲАТ**

«Йўловчитранссервис» маркази фаолияти яхши йўлга қўйилган. Меҳр ва мурувват йили дастурини амалга оширишда ҳам унинг иштироки катта бўлмоқда.

Илғор транспортчилар учун республикамизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар ташкил этишда ҳам марказ ташаббускор бўлди.

Қадимий Бухорога уюштирилган саёҳатдан транспортчилар яхши таассурот олиб қайтдилар. Бунинг учун «Ипак йўли автотранс» халқаро туристик автобусидан фойдаланилди.

Навбатдаги саёҳат кўҳна ва гўзал Самарқандга ташкил этилди.

Ақбар АЛИЕВ

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

Давоми. Боши 1-бетда.

Кенгаш тузилганидан буён ўтган 12 йил давомида 140 дан ортиқ муҳим битим, қоида, йўриқнома ва ҳужжатлар қабул қилиниб, улар иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ва бошқа масалаларни ҳал қилишда ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилди. Жумладан, ташиш жараёнини ташкил этиш, поездлар ҳаракати хавфсизлигини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар, темир йўл транспортини инфратузилмасини техник таъминлаш бўйича давлатлараро стандартлар ишлаб чиқилди. Мавжуд транспорт йўлақларидан самарали фойдаланиш бўйича битимга эришилди, давлатлараро алоқада ва учинчи мамлакатлар билан алоқада йўловчилар, юкларни ташиш юзасидан тариф сиёсати ҳуқуқматлар раҳбарлари томонидан қабул қилинган концепция ва халқаро битимлар доирасида келишиб олинди.

Бугунги кунда Ҳамдўстлик темир йўллари яхши йўлга қўйилган узлуқсиз алоқа тизимидан иборат. Юк ва йўловчи ташиш ҳажмларининг ўсиши МДХ темирйўлчилари нафақат ўз мамлакатлари эҳтиё-

жларини қондираётгани, балки бозор рақобати шароитида транзит юкларни муваффақиятли жалб этаётганидан далолат беради.

Мажлис қатнашчилари Ўзбекистон Евроосий транспорт йўлагидан темир йўл алоқасида тобора муҳим ўрин эгаллаётгани, МДХ ва бошқа мамлакатлар темир йўлларининг янада яқин ҳамкорлиги мақсадида транзит салоҳиятидан муваффақиятли фойдаланаётганини таъкидлашди.

Мажлисида миллий темир йўл тармоғи номидан «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик компанияси (ДАТК) қатнашмоқда. У 1994 йилда мамлакатимиз Президентининг фармонида кўра ташкил этилган бўлиб, ўн йил давомида катта натижаларга эришди. Компания мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутди ва Шарқ-Ғарб орасида асосий транспорт бўлинига айланди. Компания асосий йўлларининг умумий узунлиги - 4500 километр. Юк ва йўловчи ташиш ҳажми йилдан-йилга ортомқода, бутун республика темир йўлининг комплекс ривожлантирилиши ҳам бунга ёрдам бермоқда. 2003 йилнинг ўзида 52,3 миллион тонна юк ташилди, бу эса 2002 йилдагидан 14

фоиз кўпдир. Йўловчи ташиш айланмаси эса 103 фоизга бажарилди.

Ҳозирда ДАТК юк ва йўловчи вагонлари, локомотивларни таъмирлаш бўйича замонавий база, кенг тармоқ инфратузилмасига эга. Халқаро молия ташкилотлари маблағларини жалб этган ҳолда йирик инвестиция лойиҳалари босқичма-босқич амалга оширилиб, улар темир йўллар ишини янада такомиллаштиришга қаратилган. ДАТК фаолиятининг устувор йўналишлари янги темир йўл линияларини қуриш, йўл уасткаларини электрлаштириш, ҳаракатдаги составни замонавийлаштириш, тезкор транспорт коммуникацияларини ташкил этишдир.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК иш тажрибаси кенгаш аэзолири томонидан ўрганиш учун тавсия этилди ва у анжуманда иштирок этаётган темир йўл маъмуриятлари вакилларидан қизиқиш уйғотиш шубҳасиз. Анжуман иштирокчиларининг компаниянинг қатор корхоналарига бориши, «Регистон» тезкор поездда Самарқандга сафар қилиши режалаштирилган.

**В. НИКОЛАЕВ,
ЎЗА мухбири**

**АКСИЛТЕРРОР
ТУЗИЛМАСИ ҲАРАКАТДА**

Давоми. Боши 1-бетда.

Март ойида Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов МАТТ қароргоҳига ташриф буюриб, тузилма зиммасига юкланган асосий вазифа ШХТ давлатларнинг терроризм ва бошқа хуружларга қарши курашдаги яқдил муносабатини ишлаб чиқишдан иборат эканига эътиборни қаратди.

Тузилма фаолиятидаги асосий йўналишлар хусусида тўхталиб ўтаман. Биринчи йўналиш — бу ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва махсус хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш, террорчилик, экстремистик ва айирмачилик фаолиятига алоқадор шахсларнинг қидирувида, гивъанд моддалар савдоси ва халқаро террорчиликни молиявий ва моддий қўллаб-қувватлаётган бошқа жиноий унсурларга қарши курашда ёрдам кўрсатишдан иборат. Шунингдек, масъул мутахассисларни тайёрлашдаги кўмак шу туркумдаги вазифалар сирасига киради.

Иккинчи йўналиш ахборот-таҳлилий фаолиятдан иборат бўлиб, унга кўра ҳамкасбларнинг амалий фаолиятида фойдаланиладиган, минтақадаги жараёнларни тақуру тушуниш, уларга тўғри баҳо бериш ва аниқ башоратлар қилишга имкон яратадиган маълумотлар манбаи барпо этилади.

Важобият, халқаро ҳуқуқий йўналиш МАТТ фаолиятининг узвий қисмига айланмоғи даркор. Доимий мулоқотлар нафақат ШХТ доирасида, балки БМТ, ЕХХТ, АСЕАН, ЕИ сингари халқаро ташкилотларнинг тегишли тузилмалари билан ҳам олиб борилиши зарур. Биз БМТнинг гивъанд моддалар ва жиноятчиликка қарши бошқармаси билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйгандик, Ўзбекистон вакили Венада бўлиб ўтган ЕХХТнинг террорчиликка қарши кураш мавзусига доир семинарида иштирок этди.

Ҳозир бўлажак фаолиятимиз самарадорлигини кўп жиҳатдан белгилаб берувчи муҳим ва масъулиятли босқич ниҳоясига етмоқда. Тегишли миллий идораларнинг ШХТ доирасидаги ўзаро ҳамкорлиги учун ҳуқуқий асос барпо этилди, махсус хизматларнинг ҳужжат олиш, зурур ахборот алмашув тартиблари ишлаб чиқилмоқда. Бу аср таҳдидларига қарши ҳамжиҳат ва самарали курашда муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгги йиллар фожиялари халқаро терроризмнинг мамлакатларимиз ва халқларимизга, бутун жаҳонга туғдираётган хавфхатарини яққол намоён этди. Террорчиларнинг хуружларига жавоб беришнинг ўзи етарли эмас. Ташаббусни қўлга олиш, халқаро жиноий гуруҳларга қарши ҳужумга ўтиш, уларнинг илдиэлари ва молиявий манбаларини яқсон этиш вақти етди. Бу Шанхай ҳамкорлик ташкилоти олдида турган асосий вазифалардан биридир. Умид қиламизки, ШХТнинг Минтақавий аксилтерро тузилмаси фаолияти бу вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

**Олег ШАТУНОВСКИЙ,
«Жаҳон» АА.**

**БИОХИЛМА-ХИЛЛИКНИ
САҚЛАШГА БАФИШЛАНДИ**

Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари биохилма-хиллигини сақлашда Ғарбий Тянь-Шань тоғ тизмасининг аҳамияти катта. Бу ерда уч мингдан ортиқ ҳайвон ва ўсимлик тури мавжуд. Шундан бир юз етмишга яқини бошқа жойларда учрамайди.

Ушбу худуднинг ноёб табиий бойлигини сақлаб қолиш мақсадида «Ғарбий Тянь-Шань тоғлари биохилма-хиллигини сақлаш бўйича Марказий Осиё чегараларо лойиҳасини амалга оширишга қаратилган Глобал экологик жағмарга гранти асосида иш олиб боришмоқда.

Ғарбий Тянь-Шань тоғлари махсус қўриқланадиган табиий худудлар тизими билан қопланган. Бу ерда бешта қўриқхона мавжуд. Бугунги кунда худуднинг биологик захираларидан кўп фойдаланилмоқда.

Айниқса, аҳоли зич жойлашган Чотқол қўриқхонаси атрофидаги қишлоқларда инсон фаолияти кучайиши табиий мувозанатни асл ҳолича сақлашда муайян муаммо ту-

дирапти. Маэкур лойиҳа бўйича олиб борилаётган ишлар Чотқол қўриқхонаси биохилма-хиллигини сақлашда ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ушбу лойиҳа мутахассислари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси вакиллари, олимлар ва журналистлар иштирокида бўлиб ўтган анжуманда шу хусусда сўз юритилди.

Тадбирда биохилма-хилликни сақлаш, аҳоли экологик маданиятини юксалтириш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланишда жамоатчиликнинг иштирокини кучайтириш, бу борада оммавий ахборот воситалари имкониятларидан янада самарали фойдаланиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда ёш авлоднинг таълим олиши учун ҳар томонлама шарт-шароит яратиш Президентимиз Ислам Каримовнинг доимий эътиборида. Вазирлар Маҳкамаси 2004 йил 10 мартда қабул қилган «Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чакирув тўғрисида»ги қарор бунинг яна бир тасдиғидир.

**МУДДАТЛИ
ҲАРБИЙ
ХИЗМАТНИ
ЎТАГАНЛАРГА
ҒАМХЎРЛИК**

Ушбу қарор талабларини бажариш йўлида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқароларимизни олий таълим муассасаларига ўқишга кириши учун сифатли тайёрлашга алоҳида аҳамият бермоқда. Хусусан, вазирлик шу мақсадда мамлакатимизнинг барча олий таълим муассасаларида ушбу тоифадаги абитуриентлар учун 7 июндан 28 июлгача фаолият кўрсатувчи бепул махсус тайёрлов курслари ташкил этди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан маълум қилишларича, ушбу курслар таълим йўналишлари бўйича тест синовларига кирилган тегишли фанлар мажмуасига мос равишда уюштирилган.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшлар танлаган таълим йўналишлари жойлардаги олий таълим муассасаларида мавжуд бўлиши ёки бўлмастлигидан қатъи назар, уларга ўзлари танлаган таълим йўналишига мувофиқ келувчи фанлардан машғуллотлар ўтилади.

Махсус тайёрлов курсларига ўқишга кирган ва ётоқхонага муҳтож бўлган тингловчиларга олий таълим муассасаларининг «Талабалар уйи»дан жой ажратилади ва тегишли қулайликлар яратиб берилади.

Махсус тайёрлов курслари тингловчиларига фанлардан қўшимча мустақил тайёргарлик кўришлари учун олий таълим муассасалари кутубхоналаридан фойдаланишга ҳам рухсат этилади.

ЎЗА

Маълум

**МАКТАБДА
РЕСУРС
МАРКАЗИ**

Мамлакатимизда умумтаълим муассасалари кутубхоналарини ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан тақдим этилган бу йўриқномада мактабларда ахборот-кутубхоначилик ресурс марказларини очиб вазифаси ҳам кўзда тутилди.

Тошкентдаги 168-мактабда ташкил этилган бундай зиё маркази пойтахтимизда биринчилардан бўлиб иш бошлади. Чилонзор туман халқ таълими бўлими ҳамда жамоатчилик саъй-ҳаракати билан юзага келган ушбу марказ қисқа вақт ичида ўзининг бой моддий-техника негизига эга бўлди.

Бу ерда китобхонлар учун компьютер дастурлари ёрдамида мустақил ахборотларни олиш, электрон почта орқали ахборотларни айирбош қилиш имкониятлари яратилади. Видеоахборот ишлари учун гуруҳ ва яққа тартибда видеотекалар яратилади.

Марказнинг фонотекаси эса фономатериаллар билан ишлаш, слайдларни намойиш қилиш, диапозитивларни кўрсатиш билан шуғулланади.

«ЭЛИТА»

ИЗЛАНИШЛАРИ

Масофавий ўқитишни ташкил этиш жараёнларини амалга оширишда иқтидорли талабалар ҳам фаол иштирок этишмоқда. Тошкент кимё-технология институтида ҳам бу борада маълум тажрибалар орттирилди.

Олий ўқув юртида «Элита» деб номланган техник ижодий гуруҳнинг тузилиши ҳам аниқ муддао бўлди. У чет тилини пухта эгаллаб компьютер билан ишлаш техникасини яхши ўзлаштирган аълочи талабалардан ташкил топди.

Гуруҳ компьютер таълими бўйича янги ишланмаларни яратишга киришди. Бундай изланишлар жараёнида виртуал стендлар, электрон дарслик лавҳалари намуналари ҳам юзага келди.

«Элита» «Шўртангазим» мажмуаси билан келишган ҳолда бундай техникавий ангилликлар устида иш олиб боради.

Анвар АХМЕДОВ

Иқтисодиёт

**ЯНГИ УСКУНАЛАР
КЕЛТИРИЛАДИ**

Пойтахтимиздаги «Хамкортекстиль» хусусий ишлаб чиқариш корхонасида тайёрланаётган маҳсулотлар ички бозорда харидорини топиши баробарида, келгусида рақобатбардош товарларни хорижий давлатларга экспорт қилиш ҳам кўзда тутилган.


Корхонада маҳаллий хом ашё — пахтадан тайёрланган ип-калавадан момиқ сочиқ ҳамда ҳаммом халатлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бунинг учун эса замонавий тўқув ва тикув дастгоҳлари, Тошкент ва Бухоро тўқимачилик комбинатларида ишлаб чиқарилаётган ип-калава тadbиркорларга қўл келмоқда.

— Бугунги кун ҳар бир тadbиркордан изланишни, янгилик яратишни, ташаббус кўрсатишни тақозо этмоқда, — дейди корхона раҳбари Увайс Шокиров. — Албатта, ҳар бир муваффақияти иқтисодиётимиз ривожига муҳим ҳисса бўлишини ният қилган тadbиркор ана шунга амал қилади. Аввалига 10 киши билан иш бошлаган бўлсак, бугунга келиб тўқувчи ва тикувчиларимизнинг сафи кенгайди, яъни 20 та янги иш ўринлари очдик. Биз, аввало ички бозорда аҳоли талаб ва эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қиламиз. Шу боисдан ҳам бозорни ўрганимиз, сифатга эътибор қаратамиз.

Ўз фаолиятлари давомида тadbиркорлар буюртмачилар сафини кенгайтиришга муваффақ бўлишди. Жуда кўплаб ташкилот ва муассаса, касалхона, меҳмонхоналар ва ошхоналарга турли хил маҳсулотлар етказиб берилди. Шунингдек, пойтахтимиздаги «Тошкент универмаги», Чилонзор савдо маркази ва бошқа ийрик

савдо шохобчаларида корхона маҳсулотлари шартнома асосида сотилмоқда. Корхона ахлининг келгусидаги асосий мақсади маҳсулотларини дунё бозорига чиқариш, экспортни йўлга қўйишдир. Шу боисдан ҳам улар янада замонавий ва юксак унумли хорижий дастгоҳ ва ускуналарини сотиб олиш ва янги цехлар ташкил этишга, қўшимча ишчи ўринлари яратишга саъй-ҳаракат қилишмоқда. Ана шунда пардозланган янги турдаги маҳсулот хиллари ҳам кўпаяди, сифати ҳам ортади. Энг муҳими эса тadbиркорлар изланишда. Албатта, ушбу изланишлар ўз самарасини бериши шубҳасиз.

**Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: Муножот Бегматова
илгорлардан саналади; махсулотнинг
сифатини таъминлашда фикр алмашишлар муҳим аҳамият касб этади.
Ҳакимжон Солиҳов
олган суратлар.**



сулотлар етказиб берилди. Шунингдек, пойтахтимиздаги «Тошкент универмаги», Чилонзор савдо маркази ва бошқа ийрик

Бугунги кунда иқтидорли ёшларга бўлган эътибор кун сайин ошиб бормоқда. Айниқса уларга яратилаётган шарт-шароитлардан кўринадики, иқтидорли инсон ҳеч бир даврда жамият ва давлат эътиборидан четда қолмаган.

Талловлар

ЁШ ИҚТИСОДЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Яқинда «Бунёдкор» ёшлар телеклубида Иқтисодий тадқиқотлар ва таълим маркази, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, АКШнинг USAID, ANGLESEY FOOD компаниялари ҳамкорлигида ўтказилган танлов ҳам айнани ёшларимиз орасидан энг иқтидорлиларини танлаб олишга замин яратди.

Ўзбекистон ёш иқтисодчилари танловида иштирокчилар ўзларининг иқтисодий ислохотларни таҳлил қилиш ва унинг долзарб муаммоларини илмий ишларида нечоғлик тадқиқ қила олганликларини кенг оммага намойиш этдилар.

Танловда ҳайъат томонидан кўплаб илмий ишлар кўриб чиқилди ва баҳоланди. Унга кўра биринчи ўринни Молия вазирли-

ги солиқ бюджет сиёсати маркази мутахассиси Ҳайитбой Маҳмудов қўлга киритди. Фолибнинг «Ижтимоий инфратузилма ва унинг иқтисодий ўсишга таъсири» мавзусидаги илмий иши ўзига хос таҳлилларга бой ва жамиятнинг келгуси ҳаётига ижобий таъсири катталиги ҳисобга олиниб, юқори баҳоланди ва биринчи ўрин соҳиби 300 миң сўм миқдорда пул ютуғи билан мукофотланди. Шунингдек, 2-ўринга магистрант Илҳом Шерматов ва Банк-молия академияси мутахассиси Фарҳод Мирзаевларнинг илмий ишлари муносиб деб топилди. Учинчи ўринга Наманган Давлат университети аспиранти Нодирбек Солиҳовидов ва Банк-молия академи-

яси доценти Шухрат Тошматовларнинг илмий ишлари лойиқ топилиб, фолиблар пул мукофотлари билан тақдирландилар.

— Танлов жараёнида шу нарса маълум бўлдики, юртимизнинг бугунги ёшлари билим олиш ва изланишда ҳеч бир ривожланган давлат ёшларидан ортда қолмайди, — дейди жумладан ANGLESEY FOOD компанияси бошқарув раиси Зафар Ҳошимов. — Ўйлаёмизки, келгусида бугунги танлов иштирокчилари ўзларининг илмий ишларини дунё минбарларида исботлай олишади.

**Шарофиддин РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Миллий
университети журналистика
факультети талабаси**

БҮЮРТМАЧИЛАР КЎПАЙМОҚДА

Бугунги кунда дераза ойналари учун энг замонавий ва ўзига хос кўринишни ўзида муҳассамлаштирган пардалар бу жалюзилардир. Улар узунасига, ёнлама, ўрамли, шунингдек, ҳар хил услубдалиги билан бошқалардан ажралиб туради. Уйимиз ва ишхонамизни безаб турувчи бундай пардаларнинг асосан алюминий, ёғоч, пластик ашёлардан тайёрланиши кўпчиликка маълум. Айни пайтда барчанинг дидига мос бу дарпардалар «Farik» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилмоқда.

Ушбу жамият 1997 йил ташкил топган ва ҳозирда ривожланиб бораётган корхоналардан биридир. Корхона асосан дераза, эшик, дарпарда, ойна каби бир неча турдаги маҳсулотларни тайёрлаб халқимиз эҳтиёжларини қондириб келмоқда. Бундан ташқари фирмада мебель винтлари ва бурама винтлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Шунингдек, бу ерда автоматик жалюзилар, бар устунлари, зиналар, мебель учун янги турдаги евр-

ровинтлар ҳам тайёрланмоқда. Қувонарлиси шундаки, айни пайтда корхона ходимлари томонидан тайёрланаётган замонавий ойнаванд эшикларнинг ташки кўриниши ҳамда сифати кўпчилик харидорлар эътиборини қозона олди. Айниқса, ташқи шовқинни тутиб қолувчи ойнаванд эшикларнинг ўзига хослиги ҳам корхона буюртмачилари сонининг ошишида қўл келмоқда.

Орзугул РУСТАМОВА

Сўрақ **ТАДҚИҚОТЛАР САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ**

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси ва физикаси институти ташкил топганига 25 йил бўлди. Мамлакатимизда нуфузли илмий муассаса учун ўтган чорак аср ҳар томонлама ривожланиш дaври қилгананди.

Бу орада талайгина илмий ва тажриба лабораториялари юзага келди.

Полимерлар кимёси ва физикаси сонаоти тараққиётида, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этган турли препаратлар ҳам

олиmlарнинг самарали изланишлари натижаси ўлароқ ву- жудга келди.

Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларига ишлов беришда қўлланиладиган кимёвий моддалар мутахассисларга қўл келди. Экологик хавфсизлик поли-

мер препаратлар ҳам яратилди- ки, улар ёрдамида ноқулай об- ҳаво шароитида ҳам қайта экиш- нинг олди олинмоқда.

Энг яхши тадқиқотлар деб топилган изланишлар халқаро илмий анжуманларда яхши баҳо олди. Илмий муассасанинг 25 йиллик санасига бағишлаб ўтказилган ёш олимлар анжумани- да ҳам бундай самарали изла- нишлар сарҳисоб қилинди.

Аҳмад АББОСОВ

Сангай

**ХОТИРА
КЕЧАСИ**

Яқинда Ўзбекистон Давлат консерваториясида Меҳр ва мурувват йили муносабати билан Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Жабборов таваллудининг 90 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.

Кечада Ўзтелерадио-компанияси қошидаги Дони Зокиров номидаги халқ қолғулари оркестри ва шу оркестр қошидаги ансамбль, Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамбли ҳамда Ўзбекистон Давлат консерваториясининг созандалар ансамбллари муסיкий жўрлигида, устоз санъаткор яратган жозибадор ва бетакрор куй-қўшиқлардан «Ассалом», «Диёримсан», «Тоқай», «Айрилмасун», «Наз- зора қил», «Кел», «Бўлмас- микин», «Яхшироқ» ва бошқаларни Ўзбекистон халқ қоғизи Маҳмуджон Тожибоев, Ўзбекистон халқ артистлари Коммуна Исмоилова, Ғулумжон Ҳожиқулов, Нуриддин Ҳамроқулов, Саодат Қобулова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Машрабжон Эрматов, Тожибар Азизова, Тоҳир Ражабий, Аҳмаджон Дадаев, Меҳри Бекжонова, Ғулмира Ширинова ва ҳушовоз хонандалардан Нигора Орзумова, Дилафрўз Ахмедова, Дилором Қаюмова- лар катта маҳорат билан ижро этишди.

Хотира кечаси давомида устоз санъаткор билан елкадош бўлиб ишлаган кишилар илиқ ва ширин хотираларни эсга олишди.

Шавкат ЁЛДАШОВ

ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ

«ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2004 йилнинг 11,15,18,22,25,29 июнь ва 2,6,9,13,16,20,23,27,30 июль кунлари аукцион савдоларини ўтказади

Аукцион савдоларига куйидагилар кўйилади:
Тошкент шаҳри ҳудудидаги куйидаги манзилларда
жойлашган ер участкаларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи:

Ер участкасининг жойлашган манзини ва сатҳи, га	Бошланғич нархи, сўм	қурилиши кўзда тутилган иншоот	
1	2	3	
Акмал Икромов туманида			
Х.Турсунқулов кўчаси, 15-17 уйлар оралиғида, 0,05 га	5 598 018	Минимаркет	
25-мавзела, 0,04 га	4 594 068	Супермаркет	
Дуфрий кўчасида, 0,07 га	7 171 218	2-қаватли савдо расталари	
Х.Турсунқулов кўчасида, 0,1 га	11 411 268	Супермаркет	
24-мавзела, 0,01 га	3 660 268	Минимаркет	
24-мавзела, 0,22 га	20 919 468	Гузар мажмуаси	
24-мавзела, 0,04 га	4 328 268	Машиный хизмат кўрсатиш мажмуаси	
Заргарлик кўчасида: - иккита, ҳар бири - 0,02 га дан	3 717 768	Минимаркет ва савдо мажмуаси	
- иккита, ҳар бири - 0,08 га дан	8 113 068		
Степобоев кўчаси: - 39-уй ёнида, 0,04 га	5 080 668	Савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш шохобчаси	
- 36-уй ёнида, 0,03 га	3 955 068		
- 36-уй ёнида, 0,04 га	5 080 668		
- 27-уй ёнида, 0,06 га	7 331 868		
Бектемир тумани			
Соловьев кўчасида - олтига, ҳар бири 0,02 га дан	4 074 268	Савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш мажмуаси	
«Сувчи» даҳасида - иккита, ҳар бири 0,06 га дан	5 132 268		
Х.Бойқаро кўчасида, 0,02 га	30 754 268	Автомобилар ювниш шохобчаси	
Х.Бойқаро кўчасида, 0,02 га	1 681 000	Супермаркет	
Х.Бойқаро кўчасида, 0,03 га	2 118 000	Маънавий хизмат кўрсатиш мажмуаси	
Тошкент Халқа йўлида, 0,18 га	14 157 468	Мотел, ресторан	
Лойиҳадаги Т-40,0 м (Ж.Астанов) кўчасида, 0,40 га	100 913 468	Сукултирилган газ ёнидаги қўйиш шохобчаси	
Лойиҳадаги Т-60,0 м кўчасида, 0,02 га	1 681 000	Савдо дўкони	
Оҳангарон шох кўчаси, «Сувчи» даҳасида, 0,03 га	5 132 268	Савдо мажмуаси	
Мирзо Улубек тумани			
Гуасра кўчасида, 0,015 га	4 277 250	Дўкон	
Лейбег кўчасида, 0,032 га	3 559 640	Минимаркет	
Х.Абдуллаев кўчасида, 0,0784 га	5 122 332	Супермаркет	
Матқобили кўчасида: 0,04 га	5 415 628	Савдо ва маънавий хизмат мажмуаси	
0,036 га	4 536 108		
0,035 га	4 426 168		
0,06 га	7 174 668	Муздаймоқ қаҳвахонаси	
Темур Малик кўчасида, 0,05 га	31 007 268	Автокичи шохобчаси	
Қолиров кўчаси, «Феруза» мавзелида: - 0,05 га	4 614 768	Савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш иншоотлари	
0,08 га	6 175 548		
«Марказ» даҳаси, 5-мавзела, 0,02 га	10 403 868	Савдо, маънавий хизмат кўрсатиш ва оқватланиш мажмуаси	
Тошкент автомобиль Халқа йўли, 19-мавзела тўртга, ҳар бири 0,02 га дан	3 919 708	Икки қаватли савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш мажмуаси	
Мойқўрган кўчасида, 0,02 га	3 498 348		
А.Дониш кўчаси, 19-мавзела, 0,02 га	3 581 148	Икки қаватли офис, савдо-маънавий хизмат кўрсатиш ва оқватланиш мажмуаси	
А.Дониш кўчаси, 12-мавзела, 0,02 га	3 669 468	Икки қаватли савдо-маънавий хизмат кўрсатиш ва умумий оқватланиш мажмуаси	
М.Мирзаев кўчаси, 19-мавзела - учта, ҳар бири 0,04 га дан	3 710 868		
Чимкент йўлида, 0,04 га	5 293 268		
Мирзоаҳмедов кўчаси, 8-мавзела, 0,02 га	3 595 868	Икки қаватли савдо-маънавий хизмат кўрсатиш ва умумий оқватланиш мажмуаси (муҳандислик тармоқларини кўчириш шарти билан)	
«Ҳасанбой» даҳаси, 2-мавзела: - 0,06 га	3 592 188	Савдо-маънавий хизмат кўрсатиш ва умумий оқватланиш мажмуаси	
- 0,04 га	3 448 668		
М.Мирзаев кўчаси, 13-мавзела, 0,015 га	4 801 068	Икки қаватли савдо-маънавий хизмат кўрсатиш мажмуаси (муҳандислик тармоқларини кўчириш шарти билан)	
Г.Л.Локоник Ҳўжаев кўчасида, 0,03 га	3 432 750	Савдо маънавий хизмат кўрсатиш мажмуаси	
М.Мирзаев кўчаси 13-мавзела, 0,02 га	6 208 668	Икки қаватли савдо-маънавий хизмат кўрсатиш мажмуаси	
М.Мирзаев кўчасида, 0,02 га	6 208 668	Икки қаватли савдо-маънавий хизмат кўрсатиш мажмуаси	
Тошкент Халқа автомобиль йўлида - ун иккита, ҳар бири 0,04 га дан	4 902 268	Икки қаватли савдо-маънавий хизмат кўрсатиш мажмуалари қатори	
Чиланзор тумани			
1-мавзела, 0,025 га	3 706 268	Савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш мажмуаси	
3-мавзела, 0,027 га	3 956 508	Савдо дўкони	
3-мавзела, 0,015 га	3 735 018		
3-мавзела, 0,036 га	5 629 068	Елги қаҳвахона	
16-мавзела, 0,045 га	6 446 718	Икки қаватли савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш мажмуаси (муҳандислик иншоотларини кўчириш шарти билан)	
16-мавзела, 0,04	5 794 668	Савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш мажмуаси	
16-мавзела - иккита, ҳар бири 0,015 га дан	3 708 108	Савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш мажмуаси (муҳандислик иншоотларини кўчириш шарти билан)	
Миробод тумани			
У.Олимбеков кўчасида, 0,06 га	5 250 600	Чойхона (муҳандислик иншоотларидан мавсофа сақлаган ҳақда мавжуд дароҳларни сақлаб қолниш шарти билан)	
Бехтеров кўчасида, 0,045 га	31 103 268	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювниш мажмуаси кўчириш учун (муҳандислик иншоотларини кўчириш шарти билан)	
Бехтерев кўчасида, 0,04 га	4 258 268	Стоматология	
Бехтерев кўчасида, 0,04 га	4 258 268	Дорихона	
Фитрат кўчасида, 0,03 га	2 173 200	Савдо дўкони	
Манжара кўчасида, 0,015 га	3 895 068	Икки қаватли минимаркет	
Янгизамон кўчасида - иккита, ҳар бири 0,02 га дан	3 588 968	Дўкон ҳамда офис (мавжуд томор ва муҳандислик иншоотларини кўчириш шарти билан)	
«Қўйлик» даҳаси, 2-мавзела, 0,20 га	22 796 268	Тўйхона ва гузар	
Собир Раҳимов тумани			
Юнусов кўчасида (банк коллежи рўparasида), 0,06 га	3 890 268	Икки қаватли қаҳвахона	
Юнусов кўчасида (банк коллежи рўparasида), 0,04 га	3 669 468	Икки қаватли дўкон	
Сарбон кўчасида - иккита 0,06 га дан	8 885 868	Икки қаватли савдо-маънавий хизмат кўрсатиш ва умумовқатланиш мажмуалари	
Сарбон ва Зиёмов кўчалари бурчагида, 0,20га	20 551 468	Савдо-маънавий, умумий оқватланиш мажмуаси	
Форобий кўчасида, 0,05 га	30 417 250	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювниш мажмуаси	
Сергели тумани			
Сергели кўчаси, «Сергели» даҳаси, 3-мавзела, 0,054 га	5 012 208	Умумий оқватланиш мажмуаси ва дўкон	
«Спутник» даҳаси, 10-мавзе, Сяловск кўчасида, 0,08 га	5 576 268	Икки қаватли ошхона ва чойхона	
«Қўйлик» даҳаси, 3-мавзе, Қим-Пен-Хиа кўчаси, 0,01 га	2 832 268	Фитобар ва дўкон	
Янги Сергели кўчасида, 0,15 га	10 018 500	Махсуслаштирилган дўкон	
Янги Сергели кўчасида, 0,12 га	8 176 200	Чойхона-қаҳвахона ҳамда ресторан	
Янги Сергели кўчасида, 0,10 га	6 948 000	Махсуслаштирилган иншоот	
Янги Сергели кўчасида, 0,12 га	8 176 200	Офис	
Юнусов тумани			
19-мавзела, 0,015 га	4 102 443	Икки қаватли автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мажмуаси	
«И-24» мавзелида, 0,018	3 608 748	Савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш мажмуаси (кам қувватли электр тармоғини кўчириш шарти билан)	
3-мавзела, 0,03 га	4 787 268	Савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш мажмуаси (чинкидиларни йнги майдончасини кўчириш шарти билан)	
С.Юсупов кўчасида - тўртга, ҳар бири 0,018 га дан	2 480 268	Савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш растаси	
Ҳамза тумани			
Паркент йўли ва Лисунов кўчалари кесилишида, 0,05 га	4 839 018	Гузар, маънавий хизмат кўрсатиш мажмуаси	
Паркент йўли ва Лисунов кўчалари кесилишида, 0,05 га	10 100 268	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш	
Паркент йўли ва Лисунов кўчалари кесилишида, 0,35 га	33 903 268	Мингизвод	
3.Шамсутдинова кўчасида, 0,03 га	3 645 318	Қаҳвахона-ошхона	
3.Шамсутдинова кўчасида, 0,03 га	3 645 318	Маънавий хизмат мажмуаси	
Элбек кўчасида, 0,03 га	3 821 268		
Элбек кўчасида, 0,03 га	3 821 268	Қаҳвахона	
Фонизин ва Лисунов кўчалари, Қорасув капали ёнида, 0,16 га	7 496 668	Согломлаштирилган маркази	
Оҳангарон шох кўчасида, 0,40	38 666 268	Мингизвод	
Оҳангарон шох кўчасида, 0,02 га	3 625 308	Дўкон	
Калишев ва Сивец кўчалари кесилишида, 0,03 га	3 766 068	Маънавий хизмат биноси	
Лисунова ва Иззат кўчаларида, 0,03 га	3 574 938	Минимаркет	
Калишев кўчасида, 0,03 га	3 574 938	Офис ва дўкон	
Бирлашган ва Калишев кўчалари чорраҳасида, 0,03 га	3 574 938	Маънавий хизмат мажмуаси	
Қурувчилар кўчасида, 0,02 га	2 782 400	Маънавий хизмат кўрсатиш мажмуаси	
3.Шамсутдинова кўчасида, 0,12 га	30 185 400	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювниш мажмуаси	
Қурувчилар кўчасида, 0,06 га	2 559 600	Савдо мажмуаси	
Шайхонтоҳур тумани			
Белтепа-Жараник мавзеларида: 0,04 га	4 759 668	Савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш мажмуаси	
Белтепа мавзеси, Тошкент автомобиль Халқа йўлида, 0,04 га	3 664 868	Икки қаватли савдо дўкони	
Белтепа мавзеси, Тошкент автомобиль Халқа йўлида, 0,06 га	5 595 948	Икки қаватли қурилиш моллари дўкони	
«Чорсу» мавзелида, 0,02 га	7 087 268	Озлик-оқват дўкони	
Уйғур кўчаси, Янги шаҳар маҳалласида, 0,16га	10 672 508	Ишдаб чиқариш корхонаси	
Есенни ва Вурғун кўчалари кесилишида, 0,0096 га	3 025 468	Савдо дўкони	

Ер участкаларининг узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқининг бошланғич нарҳларига ер участкасининг лойиҳалаш учун керакли дастлабки ҳужжатлари тўпламини тайёрлаш харажатлари қўшилган. Ҳужжатлар тўпламига куйидагилар киреди:

1. Ер участкасининг чегараси ;
2. Меъморий-лойиҳа вазибалари АПЗ-I, АПЗ- II;
3. Топографик сьемка, масштаб 1:500;
4. Муҳандислик- геологик ҳулоса;
5. Шаҳарсозлик талаблари ва қуриладиган бино эскизи.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир кун аввал соат 18-00 да тўхтатилади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар ер участкалари учун бошланғич нарҳдан 5 фоизи миқдориди зақалат пулини «ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг «Ўзуййўлжамгармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар. Савдолар соат 11-00 да бошланади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 «А» уйда ўтказилади. Телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.

